



Иккинчи халқаро ҳунармандчилик фестивали иштирокчиларига

Ҳурматли фестивал иштирокчилари! Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар! Сиз, азизларни Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоят мамнунман.

Ушбу анжуманда жаҳоннинг 70 та давлатидан 260 нафардан зиёд моҳир ҳунарманд ва усталар, таниқли илм, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда нуфузли халқаро ташиқлотлар вакиллари иштирок этаётгани унга дунё миқёсида қизиқиш ва эътибор катта эканидан далолат беради.

Маълумки, ҳар қайси халқнинг амалий санъати унинг бой ўтмиши ва маданияти, азалий қадриятлари, орзу-интилишларини ўзида яққол акс эттиради.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган бизнинг жонажон Ватанимиз ҳам ҳунармандчилик соҳасидаги ўлмас аъёнлари, моҳир уста ва ҳунармандлари билан шухрат қозониб келади.

Айниқса, мана шу анжуманга меъзбонлик қилаётган гўзал Фарғона вилояти, юртимизнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Ҳўқанди латиф ўзининг бу борадаги бетакрор мероси, тарихий мактаблари билан алоҳида ажралиб туради.

Биз бу ўлкада қўлчилик, ипак ва абрли матолар ишлаб чиқариш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва наққошлик санъати, ливончилик, дўппидўзлик каби ҳунар турлари кенг ривожланиб, миллий бренд даражасига кўтарилгани билан фахрланамиз.

Жаҳон ҳунармандчилик кенгаши қарорига кўра, Қўқон, Бухоро ва Марғилон каби кўҳна шаҳарларимизга Ҳунармандчилик шаҳри мақоми берилганини биз асрлар мобайнида авлоддан-авлодга безавол ўтиб келаётган боқий аъёна ва қадриятларимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда юртимизда халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу борада тарихий аъёнларни изчил давом эттираётган моҳир усталарнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, қисқа муддатда бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ушбу соҳа вакиллари зарур имконият ва имтиёзлар яратиб берилганини таъкидлаш лозим. Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз туфайли миллий ҳунармандчилик санъати жадал ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги етти йилда "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари 7 баробардан зиёд кўпайиб, 10 минг нафардан салкам 80 минг нафарга етгани, соҳада банд бўлганлар эса 280 минг нафарни ташкил этаётгани яққол кўрсатиб турибди.

Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, иқтидорли шогирдлар тарбиялаб, ўз ижодий мактабларини яратган қўли гул усталаримизнинг шарафли меҳнати давлатимиз ва жамиятимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Юзлаб уста ва ҳунармандларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари — фахрий унвонлар, ордон ва медаллар билан тақдирланмоқда.

Ҳунармандчилик халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда шу йўналишда юздан зиёд фестивал ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивалига уйғун ҳолда Риштон туманида Халқаро қўлчилик форуми бўлиб ўтаётгани ҳам бежиз эмас. Нега деганда, Риштон нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда қўлчилик маркази сифатида маълум машҳурдир.

Албатта, мана шундай анжуманлар халқ амалий санъатига дахлдор қадимий меросимизни асраб-авайлаш, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ёшларимизни нодир касб-ҳунарларга ҳурмат ва меҳр руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, бугун очилаётган ушбу фестивал санъат ва дўстлик, истеъдод ва маҳорат байрами сифатида барча иштирокчилар ва халқимиз қалбига ёрқин из қолдиради, деб ишонаман.

Сиз, ҳурматли фестивал қатнашчиларига сўхат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, анжуман доирасидаги илмий-амалий конференция ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Хуш келибсиз, қадимий ва бетакрор Ўзбекистонга, хуш келибсиз, гўзал Қўқон шаҳрига!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Дунё ҳунармандлари қўқонда жам бўлди

Қўқон шаҳрида иккинчи бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивали ва Риштон туманидаги Халқаро қўлчилик форумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Дунёда латиф шаҳар мақомига эга ягона кент — Қўқон бугун ҳар қачонгидан-да мафтункор. Бу ерга келган киши худди эртақлар оламига тушиб қолгандек бўлади. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ҳўқанди латиф кўҳна тарих ва замонавий тараққиётнинг мезон ва аъёнларини ўзаро уйғунлаштириб, бир пайтнинг ўзида ҳам шарқона латофати, ҳам бу-

гунги дунё тамаддунига ҳамоҳанг ҳашамати билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига қаратмоқда.

Ўзбек халқи кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ҳунармандчилик санъати, хусусан, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, қўлчилик, тўқимачилик, зардўзлик, соғарлик, қандакорлик, заргарлик неча-неча минг йиллик тарихга, ўзига хос ижодий мактаб ва

аъёнларига, атоқли намояндаларига эга. Ўзбекистонлик усталар томонидан тайёрланган қўллаб бадий ҳунармандлик ва амалий санъат маҳсулотлари бугунги кунгача дунёнинг машҳур музейларида сақланиши уларнинг жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради.

▶ Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



Балиқчи боболарнинг ҳикоя қилишларича, Оролнинг тўртта кўзи бор. Биринчиси денгизнинг қоқ марказида. У ерда сув ўтов катталигидай келади диган гирдоб бўлиб ер тагига сингиб кетади. Иккинчиси Устюртдаги Гуркуреуик қудуғи. Бу ерда сув ер остида гуркираб оқиб туради. Кечаси қайнаган қумғондек шақирлаган овози олис-олисларгача тарқалиб, кишини қўрқувга солади. Учинчиси Тахтақўпир

туманидаги Қоратеран кўли. Тўртинчиси бир оз жумбоқли. Бири қадимги Ипак йўлига туташ бўлган, Мўйноққа қираверишда денгиз томон кетган эски қарвон йўллари деса, бошқиси Орол билан Каспийнинг бир-бирига боғлиқ яна бошқа жойи мавжудлигини назарда тутаяди. Айни авлод вакиллари ҳозирги кунда унинг бешинчи "кўзи" ҳам бор дейишади...

Олис тарихга қисқача назар

— Орол кўли бир вақтлар катталиги жиҳатидан жаҳонда тўртинчи ўринда турган ва шу сабабли денгиз дейилган, — дейди Қорақалпоқ давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Рўза Баллиева. — Ўзбекистон ва

Қозғистон чегарасида жойлашган мазкур денгизда бандаргоҳлар, балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш қорхоналари, қолаверса, балиқ овловчи юзлаб кема сузиб юрган. 1950 йилда Орол денгизи худуди 68 минг квадрат километр эди. Узунлиги 426 километр, эни 284 километр, энг чуқур жойи эса 68 метр бўлган.

Ўтган асрнинг 80-йилларигача 34 турдан зиёд балиқ яшаган.

Денгиз ўз тарихида бир неча марта қуриб, яна сув билан тўлган айтилади. Буни унинг тубидан топилган кўп сонли флора ва фауна топилмалари кўрсатиб турибди.

▶ Давоми 4-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИЛГАРИ СУРГАН ТАШАББУСЛАР

АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ГЕОСИЁСИЙ ДАВРДА АНИҚ-РАВШАН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Хитойнинг етакчи таҳлил марказлари экспертлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи ҳақида

Ли ЦЗИГО, ХХР Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги Хитой халқаро муаммолар академияси Евроосиё институти директори:

— Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган 78-сессиясидаги маърузасида мамлакатнинг келгуси йилларга мулжалланган сиёсати оид стратегик қарашларини ҳам баён этди. Хусусан,

у ички ислохотларни илгари суриш ва миллий бошқарув тизимини такомиллаштириш, иқтисодийётни глобал меҳнат тақсимотида интеграция қилиш ва ЖСҲга мuddатидан олдин аъзо бўлиш, яхши қўшничилик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига тўхталар экан, Марказий Осиёдаги шериклик, шунингдек, минтақада экологик хавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликка алоҳида урғу берди.

▶ Давоми 2-бетда

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

ЭЛЕКТРОТРАКТОР ЯРАТИЛДИ

ёхуд илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси самаралари

Тўрт йилда 900 га яқин лойиҳа молиялаштирилди

Жаҳон илм-фан ривожини, тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизга муносиб бўлиш учун уларнинг издоши, давом эттирувчиси сифатида янгиликлар яратиш муҳим саналади. Бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонларимиз ўзининг дунёқараши ва муаммога янгича муносабати, бу борадаги илмий изланишлари боис, мана шундай бахтга сазовор бўлганлардан. Уларнинг янги гоёлари илмий ҳажмдор маҳсулотга айланиб, турли соҳалар ривожига ҳисса қўшмоқда.

▶ Давоми 5-бетда



МУНОСАБАТ

АСРИЙ АНЪАНАЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимиз, минтақамиз ва бутун дунё миқёсидаги долзарб муаммоларни, тезкор ечимини кутаётган масалаларни тилга олар экан, диний бағрикенглик масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжихатлик гоёларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш тақлифини илгари сурди.

Бу ҳозирги вақтда энг фаол тарзда муҳокама қилиб келинаётган мавзулардан бири. Инсониятнинг ярмидан зиёди ўзини қайсидир динга мансуб ҳисоблайдиган ҳозирги шароитда бу табиийдир. Зеро, жамиятларнинг, давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан шу масалага бориб тақалади.

Диний бағрикенгликни таъминлаш учун, аввало, мамлакат, минтақа ва умуман, жаҳон жамоатчилигида бошқа инсонлар ўзга динга эътиқод қилиши мумкинлигини, маҳаллий халқлар аъёнларига ўхшаш бўлмаган қадриятларга дуч келишнинг ёмон жойи йўқлигини англаб, инсоният ўта ранг-баранглигига, одамлар турфа хиллигига қўниқиб яшашга қаратилган муайян дунёқараш, ўзига хос ижтимоий ва ахлоқий меъёрларни жорий этиш, омма онига синдириш зарур бўлади.

Дунёда кенг тарқалган динларни кўпчилик яхши билади. Лекин ҳаммасини

биладиганлар кам. Агар конфессияларни, яъни ҳар бир диндаги турли мазҳаб ва йўналишларни ҳам қўшиб айтадиган бўлсак, уларнинг умумий миқдори 20 мингдан ошади. Шу боис, диний бағрикенгликни ҳар бир индивиднинг — алоҳида олинган шахснинг хатти-ҳаракатлари каби қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, ёмғир ёққанда ҳамма ҳам ёмғирпўш тутмайди, шамсиядан фойдаланмайди, бундай тоифаларга кўп эътибор берилмайди. Бу ўша шахснинг ўз хошиши ёки шароитдан келиб чиқиб, тутган йўриғидир. Конфессия борасида ҳам шундай — кимдир бошқа нарсаси эътиқод қиялтими, демак, ўз танлови, ўз ихтиёрига кўра қилаётган бўлади ва бунинг учун уни айблаш, камситиш керак эмас.

▶ Давоми 3-бетда

ДУНЁ ХУНАРМАНДЛАРИ ҚЎҚОНДА ЖАМ БЎЛДИ



Бошланиши 1-бетда

Шундай омиллар сабаб бўлса керак, бу ноёб санъатнинг кўплаб йўналишларида самарали фаолият кўрсатган, уларга издош ва ворис бўлган истеъдодли хунармандлар доимо эл-юрт орасида хурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, “уста”, “устазода” деган шарафли номлар билан эъзозланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори хунармандликни, унинг анъаналари ва мактабларини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда ана шу бой маданий меросимизни асраб-авайлаш, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу борада тарихий анъаналарни изчил давом эттириб келаётган моҳир усталарнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларга янги имконият ва имтиёзлар яратилди.

Бундай амалий саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда миллий хунармандчилик санъати қадар ривожланиб бормоқда. Ўзбек миллий хунармандчилиги маркази бўлган Фарғона вилояти Марғилоннинг атлас ва адраслари, Риштоннинг кулолчилик санъати, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактаблари билан дунёга машҳур. Марғилон ва унга туташ туманларда мато ва гилам тўқимачилиги, миллий либос ва пойабзал тайёрлаш билан 3 мингга яқин, Риштон туманида анъанавий кулолчилик билан 5 мингдан ортиқ, Қўқон шаҳри ва унга туташ ҳудудларда ёғоч ўймакорлиги, заргарлик каби хунармандчилик турлари билан 10 мингга яқин омпалар шуғулланади. Ҳар йили маъмур соҳада минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ўтган икки йил давомида Фарғона вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда жами 21 та ўзига “уста-шогирд” анъаналарини муҳассам этган замонавий “Хунармандлар марказлари” қуриб битказилди. Риштон туманида тўртта кулолчиликка ихтисослашган хунармандлар маркази барпо этилди, иккита кулолчилик маҳалласи ташкил этилди.

Бугун қўли гул уста ва устазодалар халқ хунармандчилигининг турли соҳаларида қадимий анъаналарни замонавий тажриба ва янгилар билан уйғунлаштирган ҳолда катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқда. Миллий хунармандчилик ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, иқтидорли шогирдлар тарбиялаб, ўз ижодий мактабни яратган заҳматкаш усталар рағбатлантирилиб, уларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилаётир.

Хунармандчилик халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Иккинчи бор ташкил этилаётган халқро хунармандчилик фестивали соҳа вакиллари учун катта имконият ашиқларини очмоқда. Хусусан, Ҳўқанди латифда янги хунармандчилик мактаблари ривожланмоқда.

Қўқон шаҳридаги Ўрда майдони бугун янада файзли. Майдон марказида қурилган, фестиваль руҳига ҳамоҳанг безатилган амфитеатрга минглаб нигоҳлар қаралган. Халқро фестивалнинг очилиш маросимига йилгилан одамлар чехрасидаги мамнунлик, хурсандлик диллардан дилларга қўлаётгандек гўё. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, моҳир хунармандлар, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11 Халқро хунармандчилик фестивали иштирокчиларига йўллаган табригини Президент Админи-

страцияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари Одилжон Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда сўзга чиққан Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши президенти Саад Ал Қаддумий Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, айнақса, хунармандликини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқро хунармандчилик фестивали ана шу саъй-ҳаракатларнинг юксак намунаси эканини қайд этди.

Мазкур тадбирнинг Қўқон шаҳрида ўтказилиши фарғоналикларни беҳад мамнун қилмоқда. Иккинчи бор ўтказилаётган бу байрам кенг миқёсли бўлиб, унда 70 та мамлакатдан давлат ва жамоат арбоблари, устазода хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, мутахассислар, соҳа олимлари, фахрий меҳмонлар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этмоқда.

2019 йилда илк бор ўтказилган халқро хунармандчилик фестивалида Қўқон шаҳрига жажон хунармандлар шаҳри макоми берилди. Қўқон қадим-қадимдан хунармандчилик ривожланган маданият марказлардан бири бўлиб келган. Бу ерда хунармандчилик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Устоз-шогирд анъаналари, хунармандчилик бўйича оилавий сулолалар унинг сир-асрорларини аждодлардан авлодларга етказиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам Қўқон шаҳрида хунармандчилик анъаналари изчил ривожланмоқда. Хусусан, ёғоч ўймакорлиги, чилангарлик, заргарлик каби хунармандчиликнинг кўплаб турлари раванк топиқмоқда.

Айтиш лозимки, 2019 йилда биринчи бор ўтказилган халқро хунармандчилик фестивалида 78 та мамлакатдан 570 нафар иштирокчи, юртимизнинг 14 та ҳудудидан эса 1000 дан ортиқ

маҳаллий хунармандларимиз иштирок этиб, тадбирга бир миллиондан ортиқ ташриф буюрувчи ва хорижий сайёҳлар келган. Ушбу нуфузли тадбирнинг ўтказилиши натижаларига кўра, Қўқон шаҳрига сайёҳлар оқими 10 баробарга, хунармандлар сони 3,5 баробарга, меҳмонхоналар 2,5 баробарга ошди.

Шаҳар марказидаги салобатли майдон узра ёқимли куй таралди. Бу оҳанг қалбларга сингиб, кўнгилнинг нозик торларини чертади. Юракларга ҳаяжон, завқ солади. Бу куй сеҳри, нозли оҳанг шавқи, мусиқа қудратининг амалдаги ифодасидир.

Халқро хунармандчилик фестивалининг очилиш маросимидида мумтоз ашулалар, фольклор намуналари, жажон мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг нодир намуналари, дилбар рақслар дилларни жўш урдиради. Томошабинлар юракка яқин қўшиқларга жўр бўлади, шўх куй-наволардан завқи ошиб, рақсга тушади.

Фестивалга тайёрларлик жараёнида Қўқонда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тарихий зийратгоҳлар, шаҳар кўчалари, бино-иншоотларда капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу тарика кўҳна кент бутун тўлиқ ангина қиёфада намоеён бўлмоқда.

Нуфузли тадбирга уйғун ҳолда Риштон туманида халқро кулолчилик форуми ўтказилади. Тадбирнинг илк кунда хорижлик ва маҳаллий соҳа вакиллари иштирокида “Анъанавий бадийий хунармандчиликни сақлаш ва ривожлантириш соҳасида жажон амалиёти” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Фестиваль доирасида бир қатор тадбирлар, маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг маҳсулотлари кўргазма-савдоси, фестивални ўтказиш ва яқунлари бўйича матбуот анжуманлари, этно-мода намойишлари, халқ сайиллари, қўғирчоқбозлик ва дорбозлар томошалари, вилоятлар фольклор жамоалари ва маданият бошқармалари концерт дастурлари, ош танловлари, кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси, моҳир кулоллар шаҳри Риштон ҳамда Фуқрат тумани бўйлаб саёҳат ўтказилади.

Тантанали маросим юртимиз санъат усталари, ёш ижрочиларининг шўх ва дилтортар қўшиқлари билан давом этди. Қўқон осмони узра порлаган мушаклар дилларга қўвонч, қалбларга шодумонлик бағишлади.

Ушбу фестиваль нафақат кўп миллатли халқимиз, балки бутун дунё хунармандларининг байрами ҳамдир. Зеро, фестиваль қўламининг кенглиги унинг жажон халқлари маданиятини боғловчи муҳим кўприк бўлишидан далолатдир.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИЛГАРИ СУРГАН ТАШАББУСЛАР

АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ГЕОСИЁСИЙ ДАВРДА АНИҚ-РАВШАН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Хитойнинг етакчи таҳлил марказлари экспертлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи ҳақида



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган жуда муҳим ташаббусларни алоҳида қайд этиш лозим. Булар БМТ Бош қотиби томонидан илгари сурилган “Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори” борасидаги ташаббус доирасида таҳриба алмашиш учун 2024 йили БМТ шафелигида “Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл” жажон конференциясини ўтказиш, БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга қўлақлаштириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш, аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва таҳриба алмашиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш, Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва баргиреклиги халқро марказини ташкил этиш ва бошқа тақлифлардир.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида ишонч инқироzi туфайли дунёдаги мавжуд вазиятдан ҳавотирда эканини ҳам таъкидлади. Президент Шавкат Мирзиёев ҳамжиҳатлик руҳини сақлаб қолиш ва мамлакатларни умумий манфаатлар асосида бирлаштиришга умид билдирган ҳолда, иқлим ўзгариши, қашшоқликка барҳам бериш ва очлик каби бутун инсониятга дахлдор глобал масалаларда бирдамлик ва ҳамкорликка чақирди.

Чэнь ЮЦЗУНЬ,
Хитой халқро муаммолар академияси Евроосий институти директори ўринбосари:



— Президент Шавкат Мирзиёев нутқида глобал муаммоларга ўз муносабатини билдирди, шунингдек, ижтимоий ҳимоя, ҳавфсизлик, экология, таълим соҳаларига доир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Давлат раҳбари бугунги кунда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этувчи ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу тасодифий эмас. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бу борада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон ёш авлод турли экстремистик ва террористик гуруҳлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ёшларнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича минтақавий лойиҳаларни фаол равишда илгари сурмоқда.

Масалан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг яқинда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу муносабат билан нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ёшларнинг ривожланишига қўлақлашти

минтақа халқлари барқарорлиги ва фаровонлигининг қалити ҳисобланишини таъкидлашни истар эдим. Бу инсон капиталига асосланади, унинг ривожланиш даражаси эса Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг келажагини белгилайди.

Дэн ХАО,
ШХТ тадқиқотлари институти директори:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон тизими ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Дунёда қашшоқлик даражасини пасайтириш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, таълим тизимини



модернизациялаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муваффақиятлар қадрланади.

Ўзбекистон раҳбарининг бутун инсоният учун ҳавф-хатар ва таҳдидларнинг мисли қўрилмаган даражада қўлайиши билан боғлиқ замонавий глобал жараёнларга берган баҳолари алоҳида аҳамиятга эга. Шавкат Мирзиёевнинг геосиёсий қарама-қаршиликлар бутун инсоният тақдирига дахлдор масалаларда ҳам мулоқотга путур етказаятгани ҳақидаги баёнотида қўшилмаслик асло мумкин эмас.

Шу нуктага назардан, Ўзбекистон раҳбарининг жажон ҳамжамиятига қандай сайёрани келажақ авлодларга қолдиришимиз ҳақида ўйлашга чақирғи муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бугунги кунда ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Харли СЕЙДИН,
Жанубий Хитойдаги Америка савдо палатаси президенти, доктор:

— Бугун Марказий Осиё жадал ривожланаётган минтақалардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон миллий манфаатларини фаол илгари сураётгани, минтақавий ва халқро ҳавфсизлик муаммоларига катта эътибор қаратгани ҳолда уларнинг ҳал этилиши юзасидан астойдил жонқуярлик қилаётгани билан ажралиб туради.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Марказий Осиёни тинч ва фаровон минтақага айлантириш бундан бунён ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолади, деган сўзлари бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ишончим қомилки, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг амалда ҳаётга таътиб этилиши жажон иқтисодиётининг барқарор ўсиши секинлашган ҳозирги мураккаб геосиёсий даврда аниқ-равшан ижобий натижаларга олиб келади.

Пекин

“Дунё” АА



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

“SMART WATER”

сўв ўлчаш ва назорат қилишнинг инновацион усули

Табий ресурслардан оқилона фойдаланиш, юз берган ва юзага келаётган муаммоларга ечим топиш — бугуннинг долзарб масаласи. Ер сайёрасининг экологик кўриниши ўтган асрдигага нисбатан мисли қўрилмаган даражада ўзгарди. Кейинги йилларда глобал муаммога айланиб бораётган сўв танқислиги дунёнинг кўпгина давлатларида кузатилаётир. Бу эса бевосита сўвни тежаш, ундан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Оқилона фойдаланиш мана шу талабнинг ўзи билан қийоаланмайди. Муаммо глобал экан, демак, инновацион ечимлар зарур.

Аҳоли сони ва иқтисодиёт тармоқлари ўсиши, уларнинг сўвга талаби йил сайн ошиб бориши туфайли сўв ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бораётгани масалага янада масъулият билан ёндашиш зарурлигини таъкид этади. Сўв ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳосилдорлик камайиб кетишга ёки экинлар ноёб бўлишига олиб келади. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш электрон қурилмалар ёрдамида қишлоқ ҳўжалигида ишлатилаётган сўв микдорини доимий ва аниқ мониторинг қилиш заруратини юзага қилиб келди.

Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сўв ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида сўв ҳўжалигини ривожлантиришнинг қатор устувор йўналишлари келтирилган. Эътиборли жиҳати, “сўв ресурсларини бошқариш тизимини тақомиллаштириш, сўвдан фойдаланиш ва сўв истеъмоли ҳисобини юритишда “Smart Water” (“Ақлли сўв”) ва шу каби рақамли технологиялари жорий қилиш” йўналиши бўлди. Шу боис, “Сўв сатҳи ва сарфини ўлчовчи электрон ускуна ишлаб чиқариш” лойиҳаси доирасида изланишлар олиб бордик.

Концепцияда сўв ресурсларини бошқариш тизимини тақомиллаштириш, обихаётнинг ҳисобини юритишда “Smart Water” ва шу каби рақамли технологияларни қўллаш, экинни етиштиришда сўв тежовчи технологиялар жорий қилинишини кенгайтиришни

рағбатлантириш, сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга қўлақлаштиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва унинг олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш сингари кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

Бундан кўзланган мақсад сўғориш тизимларининг фойдали иш қўзғовчилигини 0,63 дан 0,73 гача ошириш, сўв таъминоти паст даражада бўлган сўғориладиган майдонларни 560 минг гектардан 190 минг гектаргача, шўрланган ерни 226 минг гектарга қисқартиришдан иборат. Қолаверса, барча ирригация тизими объектиларига “Smart Water” сўв ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатиб, тежамкор технологиялар билан қамраб олинган ернинг умумий майдони 2 миллион гектарга етказилиши ҳам асосий вазифалардан саналади.

Бу бежиз эмас. Глобал иқлим ўзгариши ва бошқа антропоген таъсирлар оқибатида дарёлар суви камайиши кузатиламоқда. Сўв сарфининг ишончли ҳисоби юритилиши тежамкорликка эришишга хизмат қилади. Реал вақт режимида, рақамли технологиялар ёрдамида назорат қилиш имконини берадиган “ақлли” ҳисоблаш воситаларида аниқлик даражаси юқори бўлади. Бу сарф-харажатни ўлчаш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш босқичида инсон омили ҳамда унинг иштирокини минималлаштиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги қарорида сўв ҳисоби ва ҳисоботини инсон омилига

минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш белгиланган. Сўв муаммолари илмий-тадқиқот маркази томонидан сўв сатҳи ва сарфини ўлчаш ускунаси ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилди.

Электрон ускуна дарё ва каналларда сўв олиш нўқталарида сўв сатҳи ва сарфини ўлчаш, реал вақт оралигида сўв ҳисобини юритиш ва бошқаришда қўлайлик яратиши баробарида эксплуатация харажатларини камайтириш имконини ҳам беради. Шунингдек, сўв ресурсларини бошқаришда қишлоқ ва сўв ҳўжалиги соҳаси учун тежкор муҳим қарор қабул қилиш жараёнида қўлақдош бўлади.

“Ақлли” қурилма Хоразм вилояти шароитида сўғориш суви ҳажмининг мониторинг қилиш мақсадида Хонқа туманидаги Амударё ирригация каналлари бошқармасида синовдан ўтказилди. Мазкур вилоятда деҳқончилик тўлиқ сўғориш орқали амалга оширилади. Лалим ер йўқ. Сўв захиралари ҳам ҳар йили бир хил бўлмайди. Шу боис, синов майдони сифатида ушбу ҳудуд танланди.

Сўвга талабчан экинлар муайян ҳудудда, кам сув ичадиган экинлар бошқа ҳудудда экилганда, уларни сўғоришга сарфланаётган сўв микдорини мониторинг қилиш бирмунча осон бўларди. Вилоятда сўвга талаби ҳар хил бўлган гўза, шолпи, бугдой каби экинлар кўпроқ экилади. Бу омил ҳам сувни мониторинг қилиш нечоғлиқ муҳимлигини аналтади.

Маълумотларга кўра, сўв сайёрамиз ҳудудининг 70 фоизини ташкил этади. Бир қарашда жуда катта ҳажмдек туюлиши мумкин. Аммо ушбу микдорнинг аттиги 3 фоизи чўчук суви, яъни ичиш учун яроқли. Қолаверса, сўв захирасининг кўп қисми музликларда жойлашгани сабабли ундан фойдаланиш мушкул. Сўғориш сувлари қатъий назорат қилинмаса, сўв кўп бўлган йилларда чўчук сувининг зах сўвга қўшилиб кетиш эҳтимоли юқори.

Агар бу жараёнда анъанавий усуллардан фойдалансак, катта майдорда

МУНОСАБАТ

ДАВР НАФАСИ

ДЎСТОНА ВА ТИНЧЛИКПАРВАР ТАШҚИ СИЁСАТ МОҲИЯТИГА ҲАМОҲАНГ

АСРИЙ АНЪАНАЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДА

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори

Бошланиши 1-бетда

Мана шу меъёрга ҳаётда ҳамма риоя қилса, диний бағрикенглик жамиятнинг яна бир олий қадриятга айланади ва ижтимоий барқарорликка раҳна етишига йўл қўйилмайди. Зотан, фуқаролик жамияти мана шундай бағрикенглик билан қарор топтиради — унинг аъзолари ўзи ихтиёр этган динга эътиқод қилади, қайси конфессияга мансуб бўлишидан қатъи назар, беҳавотир яшайди.

Энди шу фикрлардан келиб чиқиб, бугунги Ўзбекистонга назар ташлайдиган бўлсак, аввало, шуни айтиш керакки, бу заминда асрлар давомида кўплаб динлар вақиллари тинч-осуда истиқомат қилиб келмоқда. Бир неча йиллар олдин ўша кезлари АҚШ Давлат котиби бўлган Жон Керрининг Самарқанд таасуроти ҳақида айтган мана бу сўзларини ҳамма яхши эслайди: “Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 70 йил аввал Нью-Йоркда ташкил топган, деб ўйлаймиз. Йўқ, аслида, у бундан бир неча юз йил олдин Самарқандда маъжуд бўлган. Самарқанд — маданият, санъат, савдо ва ғоялар қорраҳаси бўлиб, бу ерда туркийлар, араблар, муслмонлар, яҳудийлар, юнонлар, арманлар, насронийлар, католиклар, несторианлар ва бошқалар истиқомат қилган”.

Ўзбек халқи асрлар давомида ислом динига эътиқод қилиб келади. Айни пайтда Ўзбекистон заминиде яшовчи славянларнинг ота-боболари минг йил олдин, балки ундан ҳам аввал насронийликни қабул қилган. Буддизм эса, узок Қушонлар даврида кенг ёйилган эди. Барча динлар бир хил фазилатларни — тинчликпарварлик, бунёдкорлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва поклик, қатъа ҳурмат, қичқика иззат ва бошқа гўзал ҳуқуқ-аъвоҳ намуналарини тарғиб қилади ва тараннум этади. Шулар қаторида диний бағрикенгликни ҳам.

Ўзбекистонда бугунги авлод ўз аجدодларининг ана шу асрий анъанасини муносиб тарзда давом эттирмоқда. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Абу Мансур Мотуридидга мурожаат қиламиз: “Черков ва синагогаларни барбод қилиш таққиландаи, уламо-лар бу борада ҳамфиқрди, шу вайдан муслмон ўлкаларига уларга зиён-заҳа етмайди”. Абу Лайс Самарқандий бундай дейди: “Аллоҳ муслмонларга дини тўғрисидаги улар билан уруш қилмаган ва динлардан қузмаган қавмларга нисбатан яхши ва обидона муомалада бўлиши мана этмайди”. Бурхониддин

Марғинович бу фикрни яна ҳам сал бошқача ифода этади: “Муслмон ўлкаларида черков ва ибодатхоналар бузилган бўлса, уларни тиклашга изн берилмади”. Маҳдуми Аъзам эса, диний асосда келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай зиддият ва низоининг илдинини қуйидаги фикр билан буткул юлиб ташлайди: “Дунёда ҳар хил динга эътиқод қиладиган, турли миллатга мансуб инсонлар яшайди. Кимни муқофотлаш, кимни жазолашни Аллоҳнинг ўзи билади. Шунинг учун бошқа одамларнинг урф-одадлари, анъаналари, эътиқодига бардошли бўлинг”.

Мана шу ўғитлар асосида яшаб келган халқимиз бугунги шароитда ҳам бағрикенглик анъаналарига содиқликни сақлаб турибди. Юртимизда 16 диний конфессияга мансуб 2274 диний ташкилот фаолият кўрсатаётгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Бу заминда 130 дан зиёд миллат ва элат вақиллари бақамти ашаб келяпти. Ҳаммасининг эътиқоди ҳар хил. Масжид ва мадрасалар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом

таклиф ҳар томонлама ҳақли ва асосли эканини кўрсатади, албатта. Қолаверса, шуни ҳам эсга олиш керакки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги ялпи мажлисида Президентимиз томонидан таклиф этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси бир овоздан қабул қилинган эди. Яъни юртимизни дунё давлатларига ўзига хос гўзал ўрнат ва ибрат қилиб кўрсатган бу ҳужжат шундай нуфузли тузилма қароргоҳига мезбонлик қилишга энг ҳақли мамлакат биринчи ўринда Ўзбекистон эканини ҳам намоён қилади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ БУ ГАЛГИ СЕССИЯСИДА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БУЮҚ ОЛИМЛАРИНИНГ БОЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ИСЛОМНИНГ АСЛ ИНСОНПАРВАРЛИК МОҲИЯТИНИ ЧУҚУР ОЧИБ БЕРИШ МАҚСАДИДА 2024 ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА “ИСЛОМ — ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ДИНИ” МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ.



Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази билан бир қаторда, православ ва протестантлик семинариялари, 165 та насроний ташкилот, 8 яҳудийлик, 6 баҳоийлик, битта кришнаитлик жамоаси, бир буддавийлик ибодатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар ўртасида турли даражада алоқалар қарор топтирилган, пешволар диний байрамларда бир-бирини табриклаш гўзал анъанага айланган.

Ўзбекистон дунёда диний экстремизм, терроризм ва миллатчилик туфайли келиб чиқаётган низо ва зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда, жамиятда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Бу тинч ва осуда ҳаётни таъминлашга, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Аслида, тараққиётнинг асоси ҳам жамиятнинг осоишдир. Бунга эса, биринчи навбатда, бағрикенглик орқали эришилади.

Юртимизда бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланаётгани Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги

Термизий, Бурхониддин Марғинович сингари улугпаримизнинг меҳнати самарасидан фойдаланилмоқда.

Масалан, Хоразмийни эслаганда, алгоритм ёдга келади. Аниқроғи, “алгоритм” сўзини тилга олган киши Хоразмийни ёдга келтирган бўлади. Ёки Мирзо Улуғбекни хотирласак, замонавий астрономия бешак уни ўз “ота”ларидан деб билишини кўрамай.

Диний соҳани оладиган бўлсак, бугун турли бузғунчи гуруҳларга айнан бизнинг бир неча асрлар аввал яшаб ўтган Мотуридид бобомиз ижоди билан муносиб тарзда илмий раддия берилмади. Ёки исломда Қуръондан кейин турадиган энг муътабар манба ҳақида сўралса, ҳар қандай хуфрлик муслмон “Саҳиҳул Бухорий” асарини тилга олади.

Юқорида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилгани таъкидланди. Уларнинг барчаси муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Шу тариқа халқимиз илмий даҳосининг юксалишида исломнинг ўрни ҳар томонлама очиб берилга бошланди. Чунки барча алломаларимиз Қуръонни қаримни тўғри тушуниб, илҳомлангани, ҳадислар асосида қамолотнинг олий чўққисига қўтарилгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Ҳақолатга қарши маърифат билан курашшини шор қилиб олган Ўзбекистон вакум ҳолидаги онглари зарарли эмас, фойдали аҳборот билан тўлдириш, исломни никоҳ қилиб олган тўдалар “мафқураси”га қарши мустаҳкам иммунитет яратиш, айниқса, ёшларни соғлом фикрлайдиган қилиб тарбиялаш каби эзгу мақсадларни бош вазифа этиб белгиланган. Бунга халқаро миқёсга олиб чиқиш яна ҳам хайрли бўлади. “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро конференция халқимизнинг ана шундай интилишларига ҳамоҳанг анжумандир.

Қўлаб мамлакатларда ислом цивилизацияси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган, лекин ҳали-ҳануз чуқур ўрганилмаган, жаҳон тилпарига таржима қилинмаган қўлзма ва тошбосма асарлар бир бўлс. Уларнинг нусхалари ё электрон нусхаларини тўплаш, тарқатиш, тарғиб қилиш, келажак авлодга етказиш яқна ҳолда амалга ошириладиган иш эмас. Юқори мақомдаги мазкур конференция бунинг учун халқаро миқёсдаги мустаҳкам платформага пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Президентимиз минтақамиз мамлакатлари ўртасида мустаҳкамлаш бораётган алоқаларнинг ижобий натижалари ҳақида тўхталиб, Марказий Осиё ҳамжиҳатлик йўлида давом этиш ҳамда уни тинч ва фаровон минтақага айлантириш бундан кейин ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолишини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТГА аъзо бўлигандан бун ташкилот тузилмалари ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Бунда асосий уруғ ташқи сиёсий мақсадлар, хусусан, минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий масалаларга боғлиқ соҳаларга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг минтақавий масалаларга оид ташаббуслари ҳам муҳим. Мамлакатимиз БМТ орқали минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиёда барқарорлиқни таъминлашда фаол иштирокчи саналади. Умумий муаммоларни ҳал қилиш учун минтақадаги қўшни давлатлар билан самимий мулоқот ва ҳамкорлик платформаси йўлга қўйилган.

Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқида билдирган таклиф ва ташаббуслари, сиёсий доира вақиллари ва кенг жамоатчиликни теран мушоҳадага чорловчи фикрлари янги Ўзбекистон мақсадлари тинчликпарварлик ва ҳамжиҳатликда ривожланишга хизмат қилишини яна бир бор исботлади.

Гўзал САЪДИЕВА,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори

Давлатимиз раҳбарининг мазкур сессияда иштирок этиши ҳамда минтақавий ва глобал аҳамиятга эга ташаббусларни илгари суриши дўстона ва тинчликпарвар ташқи сиёсатимиз моҳияти олдида турган вазифаларни жаҳон оммасига етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон томони БМТ минбаридан туриб минтақавий ва Афғонистондаги муаммоларни ҳал этиш, Орол денгизи инқироzi оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, туризмини фаоллаштириш ва бошқа жабҳалардаги кўп томонлама ҳамкорлиқнинг асосий устувор йўналишлари бўйича бир қанча ташаббусларни илгари суриб келаяпти.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда янги суверен, мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлган эди. Шундан бун мамлакатимиз Ташкилот ва унинг иттиҳослашган муассасалари билан турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, БМТ билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг янги босқичи 2017 йилдан бошланиб, Ўзбекистон ташаббуслари Марказий Осиёдаги муаммоларни ечиш бўйича ўзига хос янги моделнинг вужудга келишига туртки бўляпти.

Бугун мамлакатимиз БМТ Бош Ассамблеяси ва иттиҳослашган ташкилотлари ишида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75- ва 76-сессиясида, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Олий даражадаги сегментиде маъруза қилди. Жумладан, биргина 2018 йилнинг ўзида Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида олтига резолюция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

“Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” тўғрисидаги резолюция минтақавий ҳамкорлиқнинг концептуал асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу резолюция “Самарқанд руҳи” шаклланишига асосий пойдевор бўлган конференция билан боғлиқ бўлиб, унда қабул қилинган қўшма Қоммонвелтда Ўзбекистон минтақа давлатлари ўртасида тизимли мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ҳамда оқилона муроСага асосланган ҳамкорлиқнинг қатъий тарафдорли экани қайд этилган эди.

Унга мувофиқ, тадбир иштирокчилари БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф билан чиқишган эди. Ушбу таклифни халқаро ҳамжаиатлиқ қўллаб-қувватлаб, резолюция лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда дунёнинг етакчи мамлакатлари фаол иштирок этди. Ташкент конференцияси якунлари бўйича қабул қилинган декларация ўша йилнинг апрель ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси кенгаши 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро ҳамкорлигида диний бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Президентимиз ёшларни сўнгги йилларда қучайиб бораётган диний экстремизм ва терроризм таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш кераклигини таъкидлаб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишнинг таклиф қилган эди. Ушбу ташаббус БМТга аъзо 193 давлат томонидан қўллаб-қувватланди.



2019 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон томонидан тайёрланган “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” резолюциясини қабул қилди. Ушбу резолюция Шавкат Мирзиёев томонидан Пекинда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан “Бир макон, Бир йўл” халқаро форуми доирасида ўтказилган учрашувда илгари сурилган эди.

2021 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюция Орол фожиясига қарши курашиш учун нафақат Орол минтақаси давлатлари, балки бутун дунё мамлакатларининг диққати ва қўчларини бirlаштириш имконини берди.

2022 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон томонидан 40 та давлат билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Мазкур резолюция “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисида” бўлиб, уни ишлаб чиқиш ва икки минтақа мулоқотининг умумий ёндашувлари, асосий принциплари ва йўналишларини мустаҳкамлаб қўйиш ташаббуси давлат раҳбари томонидан 2021 йил июль ойида ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги Тошкент конференциясида илгари сурилган эди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан БМТнинг гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган “БМТ аёллар” ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳам самарали кечмоқда.

Жорий йил 19 сентябрь кунин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессияси умумий муҳокамаларида иштирок этди. Унда мамлакатимиз раҳбари глобал ва минтақавий кун тартибидеги энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — Хотин-қизлар” тузилмаси билан ҳамкорлиқни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиқни таъкидлаб, биргаликдаги ташаббус сифатида аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва таҳриба алмашиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш, “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни, Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш, Ўзбекистонда “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш, Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юрдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун қабул механизмлар ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон томонидан билдирилган таклифлар ва ташаббуслар БМТ раҳбарияти ва аъзо давлатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Чунки Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар глобал ташкилотнинг юксак мақсадларига, жумладан, сайёраимизда тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ИНЪИКОСИ

Гулбаҳор ДУШАЕВА,
Тошкент давлат
шарқшунослик
университети тадқиқотчиси

Ўзбекистон ташқи сиёсатда фаоллашиб бормоқда. Бунинг яққол ибодти юртимизнинг турли мамлакатлар билан алоқалари мустаҳкамланиши ҳамда халқаро ташкилотлардаги иштироки самарадорлигида кўзга ташланади.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида ҳамжиҳатлик ва прагматик ҳамкорлик руҳини сақлаб қолиш, умумий манфаатларни мавжуд қарама-қаршиликлардан устун қўйиш, барча мамлакатлар кичини бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йилги Келажак саммитининг БМТ Бош котиби ташаббуси билан



ўтказилиши долзарб халқаро ва минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишга, ташкилотнинг таъсири ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларни алоҳида таъкидлаб, жаҳон ва минтақавий кун тартибидеги энг долзарб масалаларни

ҳал этишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Сессияда Ўзбекистонда янги таҳридаги Конституция бўйича ўтказилган референдум миллий тараққиётнинг устувор йўналишини белгиллаб бергани, Бош қонунимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқаролар тенглиги, инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги тамойиллари яна бир бор мустаҳкамлангани таъкидланди. Ана шу ҳуқуқий асосда ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанглиги айтилди. Бундан қўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда БМТ доирасидаги иштироки янги босқичга қўтарилган.

БМТ Бош котиби томонидан таклиф этилган Глобал иш ўринларини яратиш ва ижтимоий таъминотни тезлаштириш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Давлатимиз раҳбари ушбу ташаббус доирасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида 2024 йилда БМТ шафелигида мамлакатимизда “Ижтимоий ҳимоя: барқарор ривожланиш йўли” мавзусида жаҳон конференциясини ўтказиш таклифини илгари сурди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Нигоҳ

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Оролнинг бешинчи “кўзи”



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Олимпларнинг қайд этишича, 21 миллион йил илгари, яъни кайнозой даври ўрталарида Орол Каспий денгизи билан боғланган. Бироқ минг йиллар давомида икки улкан денгизни ўзаро боғлаб турган дарёлар қуриб, бир-биридан ажралиб кетган.

Бу ҳавзанинг тўлиқ шаклланиши кеч плейстоцен ёки голоцен бошларида юз берди. Бу эса тахминан 150-100 минг йилларни ўз ичига олади. Орол денгизига фақат иккита дарё — Амударё ва Сирдарё қуйилади. Амударё геологик тарихида бир неча марта йўналишини ўзгартириб турган. 10-12 минг йил аввал Амударё яна ғарб тарафга бурилиб, Сарикамишга қуйилган ва уни кўлга айлантирган. Миллоддан аввалги 4 минг йилликнинг 1-ярмигача Амударё ўзани ҳисобланган Ўзбўйдан Сарикамиш кўли орқали Каспий денгизига сув оққани аниқланган. Шундан кейин 4 минг йил аввал Амударё яна Оролга қайтган. Бу даврда Сирдарёнинг суви ҳам шу ерга келиб қуйилган.

Миллоддан аввалги 3,5 минг йилликларда иқлим қурғоқлашиши билан дарё оқими Ўзбўй бўйлаб қамайиб боради. Шу вақтлари Марказий Осиёда суғорида деҳқончилик ривожланиб, канал ва ариқлар орқали дарёдан кўп сув олиниши натижасида Оролга сув етиб бориши пасаяди. Ўзбой ҳам қуриб, Каспийга сув етмайди. Орол майдони қисқаради.

Минтақага кўчманчи қабилалар (гунлар, эфталитлар) ҳужуми даврида дамба ва тўғонлар вайрон этилади. Амударё суви яна Сарикамиш кўлига оқа бошлаган. Шу даврларда Хоразм воҳасининг қалъа ва тўғонлари таназзулга учраган. Фақат VII-VIII асрлардан Амударё дельтаси ерлари аслига кела бошлади. XI-XII асрларда жанубий Орол бўйида катта воҳа пайдо бўлди. Шундан кейинги даврларда Орол денгизи сатҳи пасайиши минтақадаги ижтимоий-сиёсий аҳволга ўз таъсири-ни ўтказади.

Мўғуллар бостириб келиши натижасида Хоразм пойтахти — кўҳна Урганч атрофидаги дамба ва тўғонлар вайрон этилади. Бу эса Амударё сувининг яна Сарикамиш чуқурлигига оқишига олиб келди. Бу кўл тўлиб-тошиб, ортқика сувлар Ўзбўй ўзани орқали Каспий денгизига тушди.

— Ўтган асрнинг 60-йилларида чўллар ўзлаштирилиши, суғориладиган майдонлар кенгайиши Амударё билан Сирдарёдан тўйинадиган денгизимизнинг қуришига сабаб бўлди, — дейди Ўзбекистон ФА Ботаника институти катта илмий ходими Бекзод Одилов. — Бу ҳол эса флора ва фаунага таъсири-ни ўтказмай қолмади, албатта. Ўсимлик ва

хайвонот дунёси таркибида кескин ўзгаришлар юзга келди. Агар Оролбўйи ҳудудидаги биохилма-хилликнинг ўзгаришига назар ташлайдиган бўлсак, энг катта талафот Оролнинг ғарбий томонидаги Устюрт платосида намоён бўлганини кўрамиз. Бу ҳудуд Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон чегарасида бўлиб, 20 миллион гектарни эгаллаган. Унинг 7 миллион гектари мамлакатимиз ҳудудида жойлашган ва у Қорақалпоқ Устюрти деб номланади.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида Шарқий Чинк ҳудудида дўлганзор, бедазор, наъматак ва ёронгулзорлар ястаниб ётган. Мазкур ҳудудда ҳозир бу ўсимликлар йўқ бўлиб кетган.

1989 йилга келиб, Орол денгизи иккига ажралди. Кичик Орол қўшни Қозоғистонда, катта Орол эса юртимиз ҳудудида қолди. 2000 йиллар бошларига келиб, денгиз суви сатҳи 31 метр пасайиб, чуқурлиги 22 метр бўлиб қолди. 2001 йилда эса катта Орол денгизи ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинди.

Олимпларнинг ҳисоб-китобига кўра, Орол денгизининг қуриган ҳудудида ўсимликлар тўлиқ тикланиши ва унинг туби қопланиши учун камида 40-45 йил вақт керак. Лекин шу йиллар давомида денгизнинг қуриган тубидан туз ва чанг кўтарилиши, у ердаги аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳолати ёмонлашиши каби жараёнлар содир бўлди.

1,7 миллион гектар майдондаги яшил ҳудуд

Мамлакатимиз ҳудудининг 80 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат. Ҳозир қарийб 10 миллион гектар яйлов тубдан яхшиланишга муҳтож бўлса, қўчадиган қўмлар қарийб 1 миллион гектар майдонни эгаллайди ва унинг икки юз минг гектари сўнгги вақтда суғориладиган ерлар атрофида пайдо бўлган. Кейинги даврда Орол денгизи сувининг қуриши туфайли мамлакатимизда яна қўшимча 3 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум чўли пайдо бўлди. Натижада ушбу минтақада экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёни янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзга келтирди.

Мутахассислар фикрича, айни кезда технологиялар жиҳатдан Оролни аввалги ҳолатига қайтаришнинг иложи йўқ. Бундай шароитда ягона йўл бори-ни асраб қолиш, фожиа таъсири-ни қамайтириш, одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат.

— Ўзбекистон ана шу йўналишлардаги мақсад-вазифалар бўйича муҳим тақлифларни БМТнинг Бош Ассамблеяси сессияларида, халқаро саммитларда илгари суриб келади, — дейди Рўза Баллиева. — Хусусан, 2020 йилнинг 23 сентябрь куни давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида нутқ сўзлади ҳамда глобал иқлим ўзгаришлари ва Оролбўйи ҳудудидаги вазиятга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. БМТ Бош Ассамблеясининг минтақани экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақидаги махсус резолюциясини қабул қилиши тақдир этди. 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеяси сессияси ялпи мажлисида Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.

Мамлакатимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” белгилаб олинган. Унинг доирасида бугунги кунда 312 миллиард сўм, 22,2 миллион доллар ва 6 миллион евро ажратилган 71 та

тадбир, шунингдек, қиймати 1,9 триллион сўмлик 65 та устувор инновацион лойиҳани амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Айни кезда бу борада 230 та лойиҳавий тақлиф мавжуд, уларнинг умумий қиймати 210 миллион долларни ташкил этади.

Юртимизда мавжуд имкониятларга таянган ҳолда амалий ишлар қилинмоқда. Бунда асосий эътибор Орол денгизининг қуриган тубидан миллионлаб тонна чанг ва захарли туз кўтарилишининг олдини олиш учун шўрга чидамли ўсимликлар экишга қаратилляпти.

“БАЛИҚЧИ БОБОЛАР ОРОЛНИНГ ТЎРТТА “КЎЗИ” БЎЛГАН ДЕЙИШСА, АЙНИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ҲОЗИРГИ КУНДА УНИНГ БЕШИНЧИСИ ҲАМ БОР, ДЕЙИШЛАРИДА ҲЕЧ БИР МУБОЛАҒА ЙЎҚ. БУ — ОРОЛ ТУБИДА ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАН ЎРМОНЗОРЛАРДАН ИБОРАТ ЯШИЛ ҲУДУДЛАР. УЛАР ЭКОЛОГИК ФОЖИА ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ОРЗУ-НИЯТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН ЎТА ҚАДРЛИ, КЎЗ ҚОРАЧИГИ КАБИ АЗИЗДИР.

— 2018-2022 йиллар давомида денгизнинг суви қуриган қисмида 1 миллион 600 минг гектардан ортиқ яшил қоплама барпо этилди, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон ҳўжалиги агентлиги директори Низомидин Бакиров. — Бунинг учун саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликларининг қарийб 6 минг тонна уруғи экилди. Бу ишларда 4 мингдан зиёд ишчи-ҳодим



катнашиб, 1 минг 600 та техника, самолётлар жалб этилган.

Масалан, 2021 йилда Орол денгизи қуриган ҳудудининг 375 минг гектаридан ўрмонзор барпо этилиши режалаштирилган бўлса, амалда 458 минг гектар майдонда саксовул ҳамда бошқа чўл ўсимликларининг уруғ ва кўчатлари қадалди.

2022 йилда эса 107 минг гектарда саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари-дан яшил қоплама барпо этилди. Жами 590,3 тонна, шундан маҳаллий аҳоли томонидан 391 тонна чўл ўсимликлари уруғи жамғарилди, 100 гектар саксовул ва бошқа ўсимликлардан ниҳолхоналар барпо қилинди ҳамда бу тадбирларни бажаришга 635 нафар ишчи-ҳодим, юқори унумли 250 та трактор ва 2 та АН-2 самолёти жалб этилди.

2023 йил баҳор мавсумида 128 минг гектарда яшил қоплама барпо қилинди. Улар яна 4-5 йилда куюқ ўрмонзорга айланади. Жорий йилнинг кузги мавсумида бу ишлар яна давом эттирилади.

Чуқури ўтказилган тадқиқотлар Орол денгизи қуриган тубининг катта қисмини қурғоқчиликка ва шўр тупроққа чидамли бўлган маҳаллий дарахтлар,



бута ва ўт-ўланларни аралаш ҳолда экиш ҳисобига қайта тиклаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунинг натижасида маҳаллий аҳолининг саломатлиги ва фаровонлиги яхшиланиши, ҳар йили 28-44 миллион доллар миқдоридда қўшимча фойда келтириши ҳамда тупроқдан углерод чиқишининг олдини олиш ва атмосферадан карбонат ангидридни ютиш орқали иқлим ўзгаришини юмшатиши мумкин.

Қуриган денгиз ҳудудида барпо эти-

лар вужудга келди, дарахт ва буталар ўса бошлади. Қўмликлардаги саксовул ва бошқа чўл ўсимликларида иборат майдонлар улар билан уйғунлашиб чўл экотизимлари тикланыпти, ёввойи ҳайвонлар ва қўшларни жалб этишга, шу ерда яшашга, ин қуришга ва кўпайишга шароитлар яратилди.

2018 йил 27 ноябрь куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам тарихий воқеа юз бериб, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклиқ траст фонди ташкил этилди. Мазкур фонд Оролбўйидаги аҳоли турмуш фаолияти билан боғлиқ тиббий, иқтисодий тараққиёт, экологик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳаларга доир муаммоларини ҳал қилишда мувофиқлаштирилган ёндашувни таъминлаш, Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, донорлик ҳамжамиятлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минтақанинг ривожланишига биргаликдаги ёрдамни таъминлаш, унинг ривожини учун техник ҳамда молиявий ресурслар сафарбар қилиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу йил бошига қадар жамғарма стратегияси доирасида Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлариغا мувофиқ, турли лойиҳаларни молиялаштириш учун 244 миллион долларга яқин маблағ жалб қилинган. Шу билан бирга, жамғарма томонидан 5 та қўшма дастур молиялаштирилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ўрмон майдонини кенгайтириш бора-сида ҳам устувор вазифалар кўзда тутилган. Республикаимизнинг ўрмон билан қопланганлик даражасини 8,1 фоизга, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 миллион гектарга етказиш, унинг қуриган тубида қўшимча 200 минг гектар яшил майдон ташкил этиш мақсад-вазифалари белгиланган. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 400 минг гектар майдонда яшил қопламалар — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилади.

Стратегияда белгиланган вазифаларга кўра, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси доирасида 444 та яшил боғ барпо этилади. Бунинг учун барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасалари ҳудудида “яшил боғлар” юзга келади. Бу борада, айниқса, йирик саноат корхоналари зиммасига катта вазифалар юкланган. 112 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси уч йил давомида 30 миллион туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ”лар барпо этиши белгиланган.

Ҳамкорлик истиқболлари

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг шу ҳафта бўлиб ўтган 78-сессиясидаги нутқида ҳам глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётгани, сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектарда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилган, бу саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳимлигини билдирди.

Қутилаётган экологик муаммоларга доир мисол ва фикрларга эътибор қаратди:

Агар ўз вақтида таъсирчан чораларни кўрмасак, ушбу муаммолар оқибатлари минтақимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий пулур етказиши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоиз қамайиши кутилмоқда.

Агар ўз вақтида таъсирчан чораларни кўрмасак, ушбу муаммолар оқибатлари минтақимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий пулур етказиши мумкин.

Биз БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозимини таъсис этилишини қўллаб-қувватлаймиз. Марказий Осиё суви тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “БМТ — сув ресурслари” механизминини ишга солиб, энг илгор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш тарафдоримиз.

Ана шу масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди ва унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳокама қилиш тақлиф этилди.

Ҳақиқатан, Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан бўён у тобора чуқурлашиб бораверди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб, сув ресурсларига эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин. БМТ маълумотида кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилга 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда.

Президентимиз Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг ўтган ҳафта Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган мажлисидаги нутқида шундай фикрларни билдирар экан, буларнинг барчаси Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси доирасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган устувор минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб этиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорлиқни қучайтириш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу масалаларнинг барчасини комплекс қўриб чиқиш Марказий Осиё мамлакатларида сув ресурслари, энергетика, экология ва иқтисодиёт вазирларининг доимий учрашувлари бўйича минтақавий платформани таъсис этишни тақозо қилади.

Қиссадан ҳисса шуки, балиқчи болалар Оролнинг тўртта “кўзи” бўлган дейишса, айни авлод вакиллари ҳозирги кунда унинг бешинчиси ҳам бор, дейишларида ҳеч бир муболага йўқ. Бу — Орол тубида тобора кенгайиб бораётган ўрмонзорлардан иборат яшил ҳудудлар. Улар экологик фожиа таъсири-ни қамайтириш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва орзу-ниятларининг амалга ошишига хизмат қилиши билан ўта қадрли, кўз қорачиги каби азийдир.



ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Табийки, ҳар қандай лойиҳа ёки ихтиро қандайдир муаммога ечим сифатида ўйлаб топилади. Ҳар бир ҳудудда ўзига яраша муаммолар мавжуд. Дейлик, экология, энергетика ва бошқа соҳаларда. Ёшлар эса ўзи яшаётган муҳитдан келиб чиққан ҳолда, камчиликларни бартараф этишга доир лойиҳаларини тақдим этиши мумкин. Уларнинг масаласига креатив ёндашуви орқали ушбу муаммоларга ечим топилади. Илмий лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган танловлар эса ана шу ечимнинг шунчаки қоғозда

қолиб кетмай, амалиётда жорий этилишини таъминлайпти.

Аспида, ғояси бор йигит-қизга қўмак беришнинг энг яхши йўли уни зарур маблаг билан таъминлашдир. Қолаверса, ғоя асосидаги лойиҳалар молиялаштирилса, илмий изланишлар жамиятга наф келтиради. 2018 йилдан бошлаб илғор хорижий тажриба асосида рақобатта асосланган, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилган илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси механизми жорий этилган эди. Бу борадаги ислохотлар натижасида 4 йилда 900 га яқин лойиҳа молиялаштирилди.



ЭЛЕКТРОТРАКТОР ЯРАТИЛДИ

ёхуд илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси самаралари

ТУЗЛИ ҚУЙҚАЛАР ЗАРАР ЭМАС, ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТГА АЙЛАНДИ

Сув ресурсларининг ифлосланиши ва бузилиши турли органик, ноорганик, механик, бактериологик ва бошқа моддалар тўпланишига олиб келади. Қолаверса, сув таркибиде кислороднинг камийиб, юқумли касалликларни тарқатувчи бактериялар кўпайишига сабаб бўлади. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олишда санавот корхоналаридан чиқаётган чиқинди сувларни тозалаш усуллари янада такомиллаштириб, уларни қайта ишлатиш талаб этилади.



муаммони бартараф этиш баробарида, иқтисодий фойда олиш ҳам мумкин.

Жиззах политехника институти магистри Зиёдабону Муллажоновна таҳсил жараёнида кўплаб заводларга амалиёт ўтагани борди. Қузатувлари давомида ишлаб чиқариш корхоналаридаги энг катта муаммолардан бири — улардан чиқадиган чиқиндилар эканини англаб етди. Самарали фойдаланиш мақсадида ўз лойиҳасини яратди.

— Эътибор берсангиз, сув қайнатилган чойнақнинг тагида қуйқа йиғилиб, қотиб қолади, — дейди З.Муллажоновна. — Худди шу қуйқа заводларда катта миқдорда йиғилади. Мана шундай чиқиндини тозалаш учун махсус суюқлик яратдик. Унинг таркибига коррозия ингибитори қўшилган. Мазкур суюқлик билан қуйқа йиғилиб қолган қувурларни тозалаймиз. Шундан кейин бу суюқликни чиқиндига ташламасдан, бетон қоришда ишлатиш мумкин. Биргина мисол, Жиззах вилоятида кўплаб полиэтилен ва полипропилен асосида турли диаметрдаги

қувурлар ишлаб чиқарилади. Бу жараёнда қувурларни доимий равишда сув билан совитишга тўғри келади. Совитиш тизимидаги сув қувурларнинг туз қуйқалари билан тўлиб қолишига сабабчи бўлади. Ҳозирда лойиҳа “Жиззах пластмасса” АЖ заводида қўлланилмоқда.

Тадқиқотчининг айтишича, қуйқаларни тозалаб тушган суюқлик, яъни чиқинди сув 28-35 даража совуқ ҳароратда музламайдиган суюқликка айланади. Айнан шу жиҳати бетон пишиқлигини ошириш ва қишда ҳам бетон ишлаб чиқариш учун қулай ҳисобланади. Қолаверса, суюқлик билан ишлов берилганда ҳосил бўлган маҳсулот ўзининг таркибиде кальций ва мағний микроэлементларини сақлаши туфайли ундан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда микроўғит сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Бир қарашда жуда оддийдек кўринган ёндашув чиқиндилардан самарали фойдаланиш имконини беради.



Узумзор, интенсив боғлар ва кичик томорқаларда катта техникаларнинг эркин ҳаракатланиши жуда қийин. Шу боис, бундай жойлардан юқларни олиб чиқиш, ҳосил йиғиб олишда асосан, ишчи кучи талаб қилинади. Катта майдонни эгаллаган боғларда юқламалар янада ортади.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети магистри Акбарали Турдиев робото-техника ҳамда электроника соҳаларига катта қизиқиш билан қарайди. У қишлоқ

ҳўжалиги техникаларини сунъий интеллект билан боғлаш ҳамда фермер ва деҳқонлар харажатиини камайтириб, даромadini оширишга ёрдам берадиган инновацион технологиялар устида иш олиб бориб, ҳайдовчисиз электротрактор яратди. Тўлақонли сунъий интеллект билан жиҳозланган қурилма турли хилдаги юқлар, ҳосилни уйдан туриб ҳам бошқа жойга кўчириш имкониятини беради.

— Электротрактор 4 тоннагача юкни томорқа ичидан ҳосил йиғиладиган майдонгача муаммосиз олиб чиқишга ёрдам беради, — дейди Акбарали Турдиев. — Табиийки, дала майдонларида турли тўсиқлар бўлиши мумкин. Бундай вaкдa қурилманинг ўзи хавф туғдирувчи воситаларни аниқлайди ва автоматик равишда тўхтайди. Агарда бошқарувчи хавфларни четлаб ўтишни буюрса, у ҳаракатда давом этади. Ишлаб чиқилаётган дастурий таъминотга кўра, технология 178 та турли детални таниб, аниқлай олади. Электротрактор аналогларидан арзон ва сифатли. Урганишларга кўра, Ўзбекистонга кириб келаётган Хитойнинг

сунъий интеллект билан жиҳозланган электротрактори нархи деярли 89 миң долларга тўғри келади. Бу нарх фермерларимиз учун қўнматлик қилади. Биз эса қурилманинг турли версиялари учун 88 миллион сўмдан 180 миллион сўмгача нарх белгилладик. Қолаверса, маҳаллий техника кўплаб афзалликлари билан турдошларидан ажралиб туради.

Эътиборлиси, электротрактор махсус берилган координаталар ёрдамида йўлларини ўзи танлаган ҳолда ҳаракатланади. Агар хариталар орқали йўллар аниқланмаган бўлса, қурилма бошқарувчига хабар беради. Бошқарувчи махсус пулт орқали ана шу йўллари қурилма хотирасига сақлайди. Шунингдек, махсус илова орқали айрим вазибаларни бириктириш ёки янги функцияларни қўиш ҳам мумкин.

Замон талабларига мос такомиллашган техникалар кенг жорий қилинса, катта самара беради. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигига эътибор ортган, техника ва технологиялар ривожланиб бораётган даврда бу жуда муҳим. Лойиҳа муалли-

фининг таъкидлашича, эски моделдаги тракторлар кўп ёқилғи талаб қилади. Электротрактор эса ўзини ўзи қуёш панеллари орқали қувватлантира олади.

Сунъий интеллектга асосланган техниканинг инсон ресурсига таъсири бор. Аммо унинг устунлиқ томони иш самарадорлигини оширади, деҳқоннинг оғирини енгил қилади. Техника асри содда, заҳматкаш қишлоқ ҳўжалиги ходимлари олдига ҳам катта вазибалар қўймоқда. Мазкур техника ҳам трактор ҳайдовчисини ўз касбини трансформация қилиши, сунъий интеллект орқали ишлайдиган тракторни бошқариш кўникмасини эгаллашни талаб қилади. Ҳозирда дастлабки прототип ишлаб чиқилиб, синавдан ўтган.

Айтиш жоизки, бугун юртимиз қишлоқ ҳўжалиги ривожланиб бормоқда. Бунда халқимизнинг деҳқончилик маданияти ва бой тажрибасидан унумли фойдаланилаётгани, соҳада илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро узвий боғлаб, эркин бозор муносабатларига мос таъминиллар жорий этилаётгани қўл келмоқда.

ИШ ЖАРАЁНИДА МУАММО ЮЗАГА КЕЛГАНДА ЯНГИ ҒОЯ ПАЙДО БЎЛАДИ

Бежиз, бу фикрни келтирмадик. Бухоро муҳандислик технология институти менежери Самадбек Алламуродов машинанинг мотор қисмидан ажраладиган мой чиқиндисини ва газ конденсати орқали ишлайдиган горелка яратди. Ушбу стартап билан у “Мирзо Улўғбек ворислари” республика кўрик-танловида ғолиб бўлган. Лойиҳанинг яратилишига эса, ҳаётда дуч келган муаммо сабаб бўлган.



— Қиш ойларида табиий газ аксарият ҳудудларда тақчил бўлади, — дейди Самадбек. — Иссиқхона ташкил қилиб, экинлар парваришини йўлга қўйганмиз. Катта ҳосилдан умид қилиб турган вақтимиз табиий газ муаммоси кузатилди. Экинларни тўғри парвариш қилиш ва ёқилғини исроф қилмаслик учун иси-

тининг бошқа манбаларини қидира бошладик. Илоҳи борица арзон ва хавфсиз манбаа топиш ҳақида жуда кўп ўйладим. Бир кун машинадан чиққан мой чиқиндисига кўзим тушди. Шунда ҳаёлимдан бу чиқиндидан ҳам нимадир қилиш мумкиндир, деган фикр ўтди. Уша чиқиндига бир нечта моддаларни аралаштириб, синаб кўрдим. Газ конденсати энг мақбул танлов бўлди ва мана шу аралашма билан ишлайдиган горелка лойиҳасини яратдим.

Фойдаланиладиган ёқилғи тури, асосан, ортиқча чиқинди маҳсулотидан олинмиш ҳамда бу ёқилғидан бошқа мақсадларда фойдаланиб бўлмаслиги лойиҳанинг долзарблик даражасини янада оширади. Аммо шунча чиқиндини, яъни хомашёни қаердан олиш мумкин, деган савол туғилиши, табиий. Лойиҳа раҳбарининг ўрганишларига кўра, биргина

Бухоро туманида 20



миңг хонадон сувоитларнинг газдан фойдаланади. Урнатилган тартиб бўйича ўртача бир ойда бир маротаба баллонлар газ билан тўлдирилади. Ҳар бир бўш баллонда 1 литрдан газ конденсати қолиб кетар экан. Ҳисоблаб кўрадиган бўлсак, битта туманнинг ўзида бир ойда 20 миң литр газ конденсати чиқинди сифатида қолади. Мой алмаштириш шохобчалари эса туман кесимида ўртача 20 та бўлиб, ҳар бир шохобчага бир кунда 5 та машина келадиган бўлса, 20 литр мой ажралиб чиқади. Демак, бир ойда 12 миң литр мой ажралади. Англаш мумкинки, чиқинди хомашё вазифасини бажаради.

ДОВОН ЙЎЛЛАРИ ЎЗИНИ ЎЗИ ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ



Энергияга бўлган талабнинг ортиши, энергия нархларининг доимий ошиб бориши замонавий, экологик тоза, тежамкор технологиялар ҳамда қайта тикланувчи манбалардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Фарғона политехника институти энергетика факультети талабаси Камолитдин Нишонов тоғли ҳудудлар автомобил йўлларидаги шамолдан фойдаланиб, электр энергиясини олиш бўйича ўз лойиҳасини ишлаб чиқди.

Шамол ҳаво массасининг ҳаракати туфайли ҳосил бўлади, абадий қувват манбаи ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, шамолдан электр энергиясини олиш учун унинг ўртача тезлиги сониясига 3 метрдан юқори бўлиши керак. Шундагина ҳосил бўлган қувватлар аккумуляторда тўпланади ва уларни тармоққа узатса бўлади. Юртимизда шамол секундида

3 метрдан 5 метргача эсадиган ҳудудлар мамлакатимиз умумий майдонининг 20-25 фоизини, 5 метрдан 6,5 метргача ва ундан юқори тезликда шамол эсадиган ҳудудлар эса 70-75 фоизини ташкил қилади. Демак, шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятимиз кенг.

— Автомобиль йўлларининг ўртадаги бетон қисмига шамол генераторлари горизонталь ўрнатилади, — дейди Камолитдин Нишонов. — Шамол парраклари автомобилнинг икки томонлама юриши ҳисобига ишлайди. Яъни автомобиль ўтгач, унинг ортидан келадиған шамол кучи ҳаракатга келиб, электр қуввати ишлаб чиқаради. Бу генераторлар тоғли ҳудудларда қўлланилади. Негаки, айнан шундай ҳудудларда шамол кўп бўлади. Бу ускуналар шамол тезлиги сониясига 5 метр эса бошлагач, қувват ишлаб чиқаришни бошлайди. Кўн давомида бу қувват инвентарлар орқали аккумуляторга йиғилади. Кечки пайт эса йўллардаги чироқлар ёқилиб, атрофни ёритади.

Электр тармоқлари ўтказиш қийин ёки қиммат бўлган ҳудудлар ҳам бор. Стартап эгасининг фикрича, айнан шундай ҳудудларда мазкур генератор электр токи билан таъминлашда яхши танлов бўлади. Тоғли ҳудудларга электр тармоқларини олиб бориш иқтисодий томондан жуда қимматга тушади. Уша жойлар йўлларида учрайдиган хавфли бурилишлар, электр билан таъминлан-

маган қишлоқ, бекатлар, йўл юзидаги охионаларни ёритишда шамол генераторидан фойдаланиш мумкин. Яна бир жиҳати, довон йўлларида туну кун машина қатновини тўхтамайди. Демак, электр узиллиб қолмайди ёки қувват йиғиб олиш қийин бўлмайди. Шунингдек, экология ва атроф-муҳитга зарар етказмайди, ёқилғи ёки сув сарфини талаб қилмайди.



Мукобил энергиялар табиатнинг инсонга инъом этган битмас-туганмас ва экологик тоза ресурслари ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ердан 100-150 метр баландликдаги шамолнинг энергия қуввати ҳозирги вaкдa ишлатилаётган электр энергияси қувватидан 30 маротаба катта экан. Техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиб, илмий салоҳиятимизни ишга солсак, мана шу қувват инсониятга беминнат хизмат қилади.

Илм эгаллаш — игна билан қудуқ қазишдек гап. Шу боис, бу йўлни танлаганлардан катта меҳнат талаб қилинади. Унинг машаққатига чидаш, натижасини кутиш учун метиндек сабр, ирода зарур. Мана шу заҳматдан қочмаган ёшлар инновация, ғоя ва ечимларнинг битмас-туганмас манбаи саналади. Мамлакат келажакни ана шундай фикрлайдиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, илғор ғояларни ҳаётга татбиқ эти оладиган етук ёшлар яратди. Жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида қаралаётган қатламнинг фаоллиги ҳар қачонгидан муҳим. Ҳозирча фақат синов тариқасида ишлаб чиқарилган ёки санокли жойлардагина амалиётга жорий қилинган янгича ёндашувлар келгусида турли соҳаларга кенг татбиқ этилиб, ўз самарасини беради, албатта.

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ДИЛ ИЗХОРИ

ФАҚАТ БИЛИМЛИ ХАЛҚ, МАМЛАКАТ юксак марраларни забт эта олади

Дилдора АБДУСАТТОВА,
Мичиган университети магистранти



Наманган вилояти Учқўрғон туманида оддий оилада туғилганман. Отам давлат хизматчиси, онам эса шифокор. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бакалавриятни тамомладим ва шу олийгоҳда магистратурада таҳсил олдим. Хорижда ўқишни орзу қилардим. “Эл-юрт умиди” жамғармаси танловларида икки йил муваффақиятсизликка учрадим. Рақобатчиларим доим мендан устун эди. Танлов комиссиясининг сўхбат жараёнида менга нисбатан билдирган танқидий фикрларидан тушқунликка тушмадим. Аксинча, кейинги танловларга пухта тайёргарлик кўрдим. Ниҳоят, 2023 йилда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 1-стипендия танловида ғолиб бўлдим. Мен АҚШнинг нуфузли Мичиган университетининг 40 000 долларлик грантини ютиб олдим. Ҳозир жамғарма стипендиати сифатида Мичиган университетиде “Олий таълим бошқаруви” йўналишида магистратурада таҳсил оляпман.

Мичиган мен танлаган мутахассислик бўйича дунё рейтингиде топ-50 талик университетлар рўйхатига ки-ради. Қолаверса, хориқлик талабаларга катта миқдорда грант бериши, бюджетининг катталиги шу университети танлашимга сабаб бўлган.

Мамлакатимизда ОТМларга молиявий эркинлик босқичма-босқич бериб бориляпти. Бу дегани, таълим бозорида фақат кучли рақобатга чидаган ОТМгина яшаб кета олади. Абитуриентларни жалб қилишда олийгоҳда талабаларга яратилган имконият, профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларнинг халқаро алмашинув жараёнида қатнаша олиши қаби омиллар бўлиши керак. Алмашинув жараёнида нафақат ўзимизнинг талабаларни хорижий университетларга юборишимиз, балки чет элнинг илм олиш истагидеги ёшларни энди Ўзбекистонга жалб қилишимиз лозим, яъни таъ-

хайрия маблағларини жалб қилиш, Мичиган университети тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Endowment фонд маблағларини шакллантириш учун микробизнес фаолиятига рухсат бериш, Endowment фондига хайрия маблағларини йўналтирган тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари тақдим этиш фойдадан холи бўлмайди.

Президентимиз билан учрашиш бахти бизга насиб қилди. Аммо учраша олмаган тенгдошларим ҳам бор. Улар давлатимиз раҳбарига миннатдорлик туйғуларини еткази-шимизни сўради. Зеро, хорижнинг энг нуфузли университетларида тах-сил олишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилгани ҳар бири-мизнинг қалбимизда миннатдорлик, фахр туйғуларини уйғотмоқда.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувда биз ҳозир ҳеч нарсани ўйламасдан ўқиётганимиз, бор

“Президентимиз билан учрашиш бахти бизга насиб қилди. Аммо учраша олмаган тенгдошларим ҳам бор. Улар давлатимиз раҳбарига миннатдорлик туйғуларини етказишимизни сўради. Зеро, хорижнинг энг нуфузли университетларида тахсил олишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилгани ҳар биримизнинг қалбимизда миннатдорлик, фахр туйғуларини уйғотмоқда.”

лим экспортини бошлашимиз зарур. Бунда, албатта, ОТМлар айнан мен ўрганаётган соҳа мутахассисларига эҳтиёж сезади.

Мен жамғарма стипендиати сифатида фақатгина ишонччи оқлаш деган баландпарвоз сўзлар билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Хориждаги нуфузли университетда тахсил олишим учун сарфланаётган маблағни ортиғи билан қайтариш, камида 10-15 баробар қийматдаги натижадорликка эришиш ният-идаман. Масалан, ўзим фаолият юритадиган Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Мичиган университети ўртасида кўприк бўлиш ҳаракатидаман. Икки университет ўртасида қўшма дастур, яъни талаба ва профессорлар алмашинувини йўлга қўйишни режа-лаштирганман. Бунда мен эътибор қаратадиган жиҳат Ўзбекистондаги ОТМ талабаларини 1-семестр АҚШ университетида ўқиб кредит тўпла-ши бўлса, қисқа муддатли курслар орқали ходимлар ва устозлар мала-касини ошириш ҳамда пул тўлана-диган амалиётга талабаларни жалб этиш бўлади.

Олий таълим муассасаларининг муваффақиятга эришган битирувчи-лари билан самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш орқали молиявий мус-тақиллиқни таъминлаш чора-тад-бирларни белгилашни ният қилган-ман. Бунда юксак ютуқларга эришган номдор битирувчиларнинг ҳомийлик



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига

Буюк аллома билан

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ



Минхожиддин МИРЗО, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, илк Уйғониш даврининг ёрқин намоёнаси Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 25 август кунин Президентимизнинг “Буюк олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши буюк аждодимизга чуқур эҳтиром сифатида тарихий қадам бўлди.

Аждодларимиз қолдирган юксак илмий-маънавий меросни ҳар томонлама тадқиқ қилиш янги Ўзбекистоннинг ирфоний ва руҳий асосларини мустаҳкамлаш, янги тадқиқотлар ва илмий мактабларни яратиш ва ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Кучли тафаккур эгасининг дунёқараши, илми нафақат ўз элини юксак даражага олиб чиқади, керак бўлса, жаҳон тарихини ҳам ўзгартириб юборади. Абу Райхон Беруний ана шундай бекиёс билим соҳибига сифатида миллатимизнинг улугъ сиймоларидан. Зеро, дунёвий илм ривожига улкан ҳисса қўшган, борлиқ ҳақидаги энг соф ва энг тиник ҳақиқатларни тилга киритган аллома бамисли порлаган қуёш каби асрлар оша биз томон нур сочиб турибди. Янги Ўзбекистон ғояси айнан мана шундай нурлардан куч олиб олдинга интилмоқда. Чунки Шарқ Ренессанси даври мутафаккирларининг илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий меросини мукамал даражада ўрганиш мамлакатимизда замонавий таълимни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий-маърифий тараққиёт тарихи таҳлили кўрсатадики, инсоннинг шаклланишида муҳит, ижтимоий-сиёсий шароитлар муҳим роль ўйнайди. Абу Райхон Беруний 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимий Кот шаҳрида туғилган. Кот шаҳри Х асрда африйги хоразмшоҳлар сулоласи пойтахти ва Ўрта Осиёнинг энг йirik савдо марказларидан бири эди. Хоразм билан Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа ўртасида савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланганди. Мусулмон Шарқининг машҳур олимлари Абдулқарим ас-Самъоний “Китоб ал-ансоб” (“Насаблар китоби”) асарида бундай ёзади: “Беруний деган нисба Хоразмнинг ташқари қисмига оиддир. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамни “фалончи беруний” дейдилар. Мунажжим Абу Райхон шундай нисба билан машҳурдир”.

Берунийнинг ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши, қобилияти кучли бўлган. Тарихчиларнинг таъкидлашича, ўша вақтда Хоразмда фаннинг турли соҳаларида шухрат қозонган юзлаб олимлар яшаган. Беруний, шубҳасиз, мазкур олимларда ўқиб, таълим олган бўлиши керак. У фаннинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланган. Она тилидан ташқари яна бир қанча — араб, сўғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яхуди тилларини пухта эгаллади. Кейинчалик олимнинг Ҳиндистонда бир муддат ҳаёт кечириши унга ҳинд маданияти билан чуқур танишиши ва санскрит тилини ўрганиб олиш имконини берди. Қадимги юнон классик илми билан шуғулланди. Астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих ва этнография, фалсафа ва филология соҳаларини чуқур билган йирик олим бўлиб етишди.

Беруний шоир ва адабиётшунос ҳам эди. У замонасининг машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олади. Ибн Ироқ астрономия, геометрия ва математикага оид бир қанча асар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди. У Берунийни Евклид геометрияси ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништиради. Устоз билан шогирд ўртасидаги дўстлик узок вақтларгача давом этади. Беруний устозининг номини ҳамма вақт эър ҳурмат билан тилга олади. Умуман,



Беруний илмий масалалар, тарихий воқеликлар ва замондошларига нисбатан баҳо беришда ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Шу сабаб ҳаётда кўп азиятлар чеккан, оғир турмуш кечирган, аммо нечоғлиқ машаққатли бўлмасин, олий мақсад сари интилишда давом этган, ишонч-этиқоддан асло чекинмаган.

Абу Райхон Берунийнинг илм уммони нечоғлиқ поёнсиз эканини унинг улкан қомусий олим сифатида яратган асарлари яққол кўрсатиб турибди. Фалсафа илми билимдонни бир вақтнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолог, географ, биолог, ўлкашунос, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, жамиятшунос, мантиқшунос, илоҳиётчи ва шоир бўлган. Шу боис, академик И.Крачковский сўзи билан айтганда, “Берунийнинг шуғулланган соҳасини санашдан кўра, шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқдир”.



Манбаларга кўра, олим 150 дан ортиқ асарда жамланган изланишлардан иборат илмий мерос қолдирган. Бугунга қадар унинг қўлёзма кўринишидаги 30 дан ортиқ китоби етиб келган, холос.

Улуғ олимнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, “Астрономияга кириш”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Жонни даволочи қуёш китоби”, “Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги ҳақида”, “Қўлайтириш асослари”, “Птолемей “Алмагест”нинг санскритчага таржимаси”, “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар”, “Фарғоний элементларига тузатишлар”, “Оқ кийимлилар ва қарматлар ҳақида маълумотлар”, “Ал-Муқанна ҳақидаги маълумотлар таржимаси”, “Ибн Сино билан ёзишмалар” сингари асарлари жаҳон фани ва маданияти оксалишида улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Хусусан, мазкур асарлар мусулмон Шарқ маданиятининг сўнгги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Байҳақий, Шаҳризурый, Қифтий, Ёқут Ҳамавий каби машҳур олимларнинг араб ва форс тилларида ёзилган асарларида Беруний ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

XIII асрда яшаган суриялик тарихчи ва табиб Иоанн Бар Эбрей (1226-1286) Берунийга бундай баҳо беради: “Уша ўтган йилларда юнон ва хинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўтмиш илмларда шухрат қозонди. У математика илмларида мутахассис бўлиб, бу соҳада қатор муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшади, хинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди ва уларга юнон фалсафасини ўргатди. Унинг асарлари нихоятда кўп, етук ва ишончлидир. Ўз давридан то бугунга қадар ҳамкасблари орасида астрономия илмида бундай билимдон ва бу илмнинг асосларини чуқур биладиган бошқа бир олим бўлмаган”.

“Ҳиндистон” асари устида ишлаган вақтда Берунийнинг илмий услуби — материалга танқидий ёндашув яққол намоён бўлган. У 45 ёшида санскрит тилини ўргана бошлади, бир неча марта Ҳиндистонда бўлди. Евклиднинг “Элементлар” ҳамда ўзининг астрономик асарини санскрит тилига таржима қилди. У таржимаси

муваффақиятсиз чиққан деб ҳисоблаган “Панчатантра”ни араб тилига таржима қилишга бўлади. Унинг Ҳиндистон тўғрисидаги иши XI аср тарихини ўрганишда муҳим манбага айланди.

Берунийшунос олимларнинг далолат беришича, аллома “Ҳиндистон” асари устида ишлаган вақтда санскрит тилидаги юздан ортиқ манбадан фойдаланган. Бу жуда улкан ва машаққатли иш эди. Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда ҳам “Ҳиндистон”дек асарнинг яратилиши оламшумул воқеа бўлган. Шу боис, “Ҳиндистон” машҳур фундаментал тадқиқот сифатида хинд ақл-заковати дурдоналарини дунёга тарғиб қилишда бекиёс манба бўлгани шубҳасиз ҳақиқатдир. Зеро, хинд жамоатчилигининг таниқли вакили Ҳамид Ризо эътироф этганидек, “Ўрта аср ва янги замон тадқиқотчиларидан бирортаси ҳам хинд маданиятининг чигал масалаларини чуқур илмий руҳда тушунишда Беруний эришган ютуқларни қўлга кирита олмаган. Муаллифнинг “Ҳиндистон” асари шу йўналишдаги тадқиқотлар тарихида классик намуна бўлиб қолиши билан бирга ижодкорнинг хинд фани ва маданиятига қилган катта тортиғи ҳамдир”.

XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари француз, итальян, немис, инглиз, испан, рус, форс, хинд, урду, япон, турк тилларига таржима қилина бошланди. Европалик олимларнинг Беруний асарларига бағишланган китоблари, таржималари нашр этилди. Дунёнинг етакчи олимлари Беруний ижодида жуда юқори баҳо бердилар. Америкалик тарихчи олим Ж.Сартон Берунийни ўз даврининг жаҳондаги биринчи доншишманди деб баҳолайди ва XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо, аввало, қомусий тафаккур соҳибига бўлиши ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Атоқли шарқшунос В.Розен эса унинг “илмий қарашлари таажжубланарли даражада кенглиги, ҳозирги маънодаги ҳақиқий фаннинг руҳига хослиги”ни қайд этади.

Абу Райхон Беруний илк асари “ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-халия” — “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”ни Журжонда муҳожирлик вақтида, яъни 1000 йили 27 ёшга кирган пайтида ёзиб бўлган эди. Бу асарни биринчи марта машҳур немис шарқшунос ва берунийшунос олим Эдуард Захау (1845-1930) ўрганди. У 1876-1878 йилларда Лейпцигда “Осор ал-боқия”нинг арабча нусхасини илк бор нашр этди. Олимларнинг таъкидлашича, Беруний биргина ушбу асари билан номини жаҳон илму фани тарихига абадий муҳрлади. Чунки унинг қийматиға тенг келадиган салмоқли асар ҳали яратилмади.

Берунийнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашлари диққатга сазовор. Олим “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида маънавий қарашларини бундай ифодалайди: “Яхшилик хислатлари: тақводорлик, тўғрилик, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоний камтарлик, латофат, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва булардан бошқа ақлга сиймайдиған, киши баён этиб тугата олмайдиган (яхши) сифатлардан иборатдир”.

Демак, инсон ўз умри давомида тақво билан тўғри яшаши, ўзини турли фитнатлардан сақлаши, адолатга таяниши, камтар-камсуқум ва латофатли бўлиши, собитқадамликдан чекинмас-



“БЕРУНИЙНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ДИҚҚАТГА САЗОВОР. ОЛИМ “ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР” АСАРИДА МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИ БУНДАЙ ИФОДАЛАЙДИ: “ЯХШИЛИК ХИСЛАТЛАРИ: ТАҚВОДОРЛИК, ТЎҒРИЛИК, ЎЗИНИ САҚЛАШ, ДИНДОРЛИК, ОДИЛИК, ИНСОНИЙ КАМТАРЛИК, ЛАТОФАТ, СОБИТҚАДАМЛИК, ЭҲТИЁТКОРЛИК, САХИЙЛИК, МУЛОЙИМЛИК, СИЁСАТ ВА БОШҚАРИШ ИШЛАРИДА БИЛИМДОНЛИК, ТАДБИРКОРЛИК, ТЎҒРИ ТАХМИН ҚИЛА БИЛИШ ВА БУЛАРДАН БОШҚА АҚЛГА СИЙМАЙДИГАН, КИШИ БАЁН ЭТИБ ТУГАТА ОЛМАЙДИГАН (ЯХШИ) СИФАТЛАРДАН ИБОРАТДИР”.

лиги, ҳар бир ишда эҳтиёткорликни қўлдан бермаслиги, сахийликини касб этиши, муомалада мулойим, бошқарув сиёсатида эса билимдон ва тадбирли, тахминда тўғри бўлиши шарт.

Буюк файласуфнинг назариясига кўра, айнан мана шу хислатлар инсон камолоти даражасини белгилаб беради. Яъни жамият ҳаётида синф ва табақалар асосида бойлик ва насл-насабнинг улуғлиги эмас, балки тегишли вазифа-машғулоти ва ҳунар ётмоғи, халқлар дўст, иноқ, иттифоқ бўлиб яшаши лозимлигини ўқтиради. Айтиш мумкинки, “Янги Ўзбекистон” тамойили замирида улугъ аждодимиз илгари сурган инсонпарварлик ғоялари мужассам.

“...Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд (нопоқликлардан) тозаланишдир. Кимда шундай (сифатлар) топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади”, деб ёзади олим “ал-Осор ал-боқия”да. Ушбу қарашларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, юртимиз тараққиёти йўлида барча имкониятларни ишга солишимиз, ўсиб келаётган ёш авлод илму ҳикматни тўла эгаллаши, яхши хулқ эгаси бўлиши, олий феъл — маънавиятимизни янада юксалтиришимиз ва жамиятнинг зарарли иллатлардан пок туттишимиз шартдир. Ушбу вазифалар нафақат бугунги кунимиз, балки келажакимизни ҳам белгилайди, жадал суръатлардаги ислохот ва янгиланиш жараёнларига ижтимоий маъно-мазмун бағишлайди.

Дунё олимлари томонидан Ойдаги кратерлардан бирига Абу Райхон Беруний номи берилиши ҳам бежиз эмас. 1986 йилда Қуёш тизимида кашф этилган ва Гарвард марказида 9936 рақами билан руйхатга олинган кичик осмон jismlaridan бирига ҳам Беруний номи берилган. Бу жаҳоний илм-фан марказларининг Беруний даҳосига кўрсатган эҳтироми ва эътирофидан далолатдир.

Олимнинг тўйи — оламнинг тўйи, деган нақл бежиз айтилмаган. Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги нафақат юртимизда, балки ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда. ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 211-сессиясида буюк олим таваллуди санаси ташкилот шафелигида 2022-2023 йилларда кенг нишонланиши буйича қарор қабул қилинди

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан руйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
43555 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусахҳис: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22.00 Топширилди — 00:05

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълоплар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05